



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
“МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ” КАФЕДРАСИ**

**“Миллий ғоя , маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими“ йўналиши 201-
гуруҳ талабаси Жалилова Хадичанинг**

REFERAT

МАВЗУ:Мамлакат ва миллат. “Ўзбекистон халқи ” тушунчаси



Илмий раҳбар:_____М. Шохайдарова
Кафедра мудири_____ М.Собирова

Тошкент-2014

Режа:

Кириш.

- 1. Миллатнинг маънавий-ахлоқий тарбияси жамият тараққиётининг муҳим омили сифатида.**
- 2. Маънавият ва ахлоқ. Инсон ҳаётининг маъноси.**
- 3. “Ўзбекистон халқи”**

Хулоса.

Адабиётлар руйхати.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги.

Ҳар бир мустақил миллат ўз ҳаёт тарзини, келажагини аجدодларнинг тарихий тажрибаси ва жаҳондаги илғор тамойиллар уйғунлиги асосига курса, янглишмайди. Бундай мустақил ривожланиш йўли истиқлолнинг дастлабки йилларидан эътиборан Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилди ва ўтган йиллар мобайнида изчил амалга ошириб келинмоқда.

“Ўзбек модели” деб шуҳрат қозонган ушбу мустақил тараққиёт йўлида миллий маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилган. 1999 йил 14 апрель куни очилган Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги **“Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”** деб номланган маърузасида Президент И.А.Каримов мамлакатимизни янги аср арафаси ва унинг дастлабки йилларидаги ривожланиш стратегиясини белгилаб берар экан, *“жамият маънавиятини янада юксалтириш”*ни устувор йўналишлардан эканлигини алоҳида таъкидлаб, маънавиятга мукамал таъриф бериш билан бирга бу соҳада бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим масалани ҳам аниқ кўрсатиб ўтган эди:

“Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айтилишча замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак”.¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йилда босилиб чиққан “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида бу масалага яна алоҳида урғу бериб шундай ёзади:

*“Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада **маънавий тарбия масаласи**, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчилиikka ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашиарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.”*

Маълумки, Ғарб оламида фалсафа қанчалик машҳур бўлса, Шарқда маънавиятга шундай катта эътибор бериб келинган. Жумладан, жаҳон тан олган буюк ориф, шоир ва мутафаккир Жалолиддин Румийнинг 25700

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Асарлар. 7-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 1999, с. 381.

байтдан иборат “Маснавийи маънавий” асари маънавиятнинг чўнг қомуси сифатида шуҳрат топган. Чунки бу китобда инсоннинг Борлиқ ҳақиқатига муносабати² ўзининг бутун қирралари билан акс эттирилган.

Аждодларимиз меросида баён қилинишича, маънавият кўнгил кўзгусидан таралган нур, у инсон қалбида яширинган. Демак, “Маънавият асослари” фанининг асосий вазифаси ҳам руҳ тарбияси, кўнгил кўзгусига сайқал беришда ҳар бир шахсга кўмаклашувдир. “Маънавият асослари” фани инсоннинг Борлиқ ҳақиқати³га нисбатини ўрганади. Бунинг учун маънавият муаллими, файласуфдан фарқли ўлароқ, ўз мулоҳазаларини соф мантикий мулоҳазалар тарзида эмас, балки маънавий меросга, бу соҳада аждодларимиз эришган бекиёс ютуқларга асосланган ҳолда олиб боради, яъни бу фан, маълум маънода, **тарихий-назарий фандир**. Унинг теранлиги ва кўлами аждодларимизнинг минг йиллар давомида тўплаган яхлит тарихий-маънавий тажрибаси билан белгиланади, шу билан бирга халқ донишмандлигининг турли суратларда зухур этиши ҳам ундаги назарий хулосаларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда яна бир жиҳатни таъкидлаб ўтиш лозимки, жаҳон илмида маънавиятга оид масалалар махсус фан сифатида изчил ўрганилмаганлиги туфайли бугунги кунда маънавиятнинг умумбашарий муаммоларини кенг миқёсда ўрганиш учун тадқиқий асос етарли эмас. Шу сабабли бу соҳанинг назарий асосларини ишлаб чиқишда биз асосан ўз аждодларимиз яратган назарий меросга таянишга мажбурмиз. Қолаверса, ҳеч бир халқ ўзга халқлар маданияти, урф-одатлари, фалсафий тизимлари, мафкура ва дунёқараши асосида яшамайди, улардан кўр-кўрона кўчирма қилиб барака топмайди. *“Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”*.⁴ Шундай экан, “Маънавият асослари” фани ҳозирги кунда асосан миллий маънавиятимиз тарихий таржибасига таянган ҳолда ишлаб чиқиляётгани бежиз эмас. Шу билан бирга миллий маънавиятимиз ҳечқачон умуминсоний қадриятларга зид бўлмаганини ва унинг назарий асослари ҳам умумбашарият манфаатларини унутмаган ҳолда шакллантирилиши лозимлигини унутмаслигимиз лозим. Бу масалалар ҳар бири ушбу китоб саҳифаларида батафсил ёритилади.

Миллий маънавият ўтмиш эмас, у ҳам ўтмиш, ҳам бугун, ҳам келажакни ўзида мужассам этади. Бунинг учун унинг манбаи сифатида биз фақат аждодларимизнинг ёзма меросига таяниб қолмай, балки ушбу меросдан англаганимизни бир пайтнинг ўзида халқнинг тирик хотираси билан, унинг маънавий қадриятлари билан қиёслаб, уларнинг уйғун

² Маънавият соҳаси учун Инсоннинг Борлиқ ҳақиқатига муносабати бош масала бўлиб, кейинги бобларда бу мавзу батафсил кўриб чиқилади.

³ “Борлиқ ҳақиқати” тушунчасига китобнинг 5-бобида мукаммал изоҳ берилган.

⁴ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008. С.29-30.

жиҳатларига эътибор қаратишимиз лозим бўлади. Шу билан бирга тарих тажрибаси ва синовларидан ўтган қийматларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириб, ҳозир ва келажак учун аҳамияти нуқтаи назаридан баҳолаш кўзда тутилади. Хуллас, миллий маънавият назарияси воқеликни фақат онг билан, ақл билан тушуниб етиш тажрибасига эмас, Ҳақиқатни англаб етишнинг барча воситалари, эътиқод, ибрат, тақво, риёзат, ирфон, меҳр, дид-фаросат, амалий яратувчилик фаолиятининг барча турларига эътибор қаратиб, миллатнинг барча амалий ва назарий тажрибасини ўрганишга интилади, ушбу тажрибани онгли ўзлаштиришда ҳар бир инсонга кўмаклашади, мақсад - битта, кўнгил кўзгусига сайқал беришда ҳар бир шахсга иложи борича ёрдам бериш.

Инсон руҳида табиатга нисбатан, ўзгаларга нисбатан меҳр ва адолат туйғулари шаклланишига унинг моддийлиги билан бевосита боғлиқ бўлган нафси аммораси⁵, яъни ғафлат, шахват ва кибр каби қусурлар доимо ҳалакит бериб туради, шунинг учун ҳар бир киши ҳаётга, ўз фаолиятига сергак боқиши лозим. Ушбу иллатлар ҳар бир инсон фитрати билан боғлиқ бўлгани туфайли инсон моддий мавжудот сифатида тирик экан, унинг руҳиятидаги турли таъсирларни мувозанатловчи куч керак. Айни шу куч - маънавиятдир.

Маънавият инсондаги яратувчилик қудратидир, инсонда шу қудратни уйғотиш ва ҳаракатга келтиришга муваффақ бўлинса, барча улуғвор режаларни амалга ошириш учун воқеъ имкон вужудга келади. Масалага бугунги жаҳон тараққиётининг илғор тамойиллари даражасида ёндошилса, миллий таълимнинг энг муҳим вазифаси ҳам ана шу имконни шакллантириш, яъни ёш авлод руҳида **яратувчилик қудратини** уйғотиб, уни башарият тараққиётига хизмат қилувчи муайян ўзанлар сари йўналтира билиш билан белгиланади.

Маънавият пойдевори бақувват бўлмаса, ундай инсоннинг бутун ғайрати, жўшқин фаолияти, охир натижада, халқ ва ватан учун, башарият келажаги учун, қолаверса, унинг ўз шахси учун қандай хулосага олиб келади, айтиш қийин. Имом Ғаззолий ўз даврида бекорга айтмаганлар: “Шуни билсинларки, одамзодни азбаройи ўйин учун яратмамишлар, анинг амали улуғдир ва унинг учун буюк хатар бордир”⁶. Ана шу “улуғ амал” ва “буюк хатар” оралиғида йўналишни тўғри белгилаб олмоқ кўп жиҳатдан маънавий огоҳлик ва камолотга боғлиқ. **“Маънавият асослари”** фанини ўқитиш жараёнида асосий эътибор ушбу **“маънавий огоҳлик”** масаласига қаратилади, шу бош мақсаддан келиб чиққан ҳолда, имкон даражасида ёш авлодни миллий маънавиятимизнинг асосий тамойиллари, унинг минг йиллик илдизлари, бош қадриятлари ва таянч нуқталари қисқача огоҳ

⁵ “нафси аммора” – “амр этувчи, яъни буйруқ берувчи нафс” дегани бўлиб, жиловланмаган, яъни тарбияланмаган нафсни билдиради. Бундай нафс эгаси фақат ўз моддий хоҳиш-истаклари йўлида ҳаракат қилиб, ўзгалар билан ҳисоблашишни мутлақо истамайди, унда маънавий интилишлар деярли бўлмайди.

⁶ Уроки имама ал-Ғазали. Основы духовности. М.-С.-П. «Диля», 2007, с.4. Яна қаранг: Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимйеи саодат. Руҳ ҳақиқати. Т. “Адолат”, 2005, с.24 (Муҳаммад Исонинг ўзбекча таржимаси муаллиф фикрини аниқ ифодаламагани сабабли биз русча таржимадан қайта ўгиришга мажбур бўлдик).

этилади. Шу билан бирга маънавиятнинг унга ёндош келувчи руҳият, маданият, ахлоқ, адабиёт ва санъат соҳалари ҳамда инсон ва жамият ҳаётидаги қолган муҳим йўналишлар, жумладан, сиёсат ва иқтисод йўналишларга нисбати масалалари ҳам алоҳида кўриб чиқилади.

Маънавият соҳаси яхлит ҳодиса сифатида шу пайтгача жаҳон илмида назарий жиҳатдан деярли ўрганилмаган, фақат ушбу соҳага оид баъзи муаммолар Ахлоқшунослик (Этика), Маданиятшунослик (Культурология), Фалсафа, Илоҳиёт (Теология), Руҳшунослик (Психология), Тасаввуф илми, Тарбияшунослик (Педагогика), Нафосатшунослик (Эстетика), Адабиётшунослик, Инсоншунослик (Антропология) каби фанлар таркибида турли даражада ўрганиб келинган, холос. Мустақилликдан илгари “маънавият” тушунчаси расмий доираларда деярли ишлатилмас, ҳатто луғатларга ҳам киритилмаган, баъзан “Маданиятшунослик” фани доирасида рус тилидаги “духовная культура” тушунчаси ўзбекчага “маънавий маданият” бирикмаси билан таржима қилиб ишлатиларди. Аслида маънавият инсон ва жамият ҳаётининг иқтисод ва сиёсат сингари мустақил ва муҳим бир соҳаси бўлиб, инсоният учун бу соҳанинг аҳамияти бошқа соҳалардан кам эмас.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг бевосита ташаббуси билан барча даражадаги таълим тизимида “Маънавият асослари” алоҳида ва махсус фан сифатида ўқитила бошланди. 1997 йилдан бутун ўқув юртларида “Маънавият асослари” фанини ўқитиш жорий қилиниши юртимиз маънавий ҳаётида муҳим ҳодиса бўлди. Тўғриси тан олиш керак, ўша пайтда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунё микёсида шундай фан борлигини биров билмас эди. Фақат 1996 йил охирларида бу йўналишда илк рисоалар нашр этилган бўлиб, улар бир гуруҳ муаллифлар ҳамкорлигида ёзилган “Ватан туйғуси” китоби, А.Эркаевнинг “Маънавият – миллат нишони” ва М.Имомназаровнинг “Миллий маънавиятимиз такомил босқичлари” рисоалари эди. Орадан ўтган 11 йил мобайнида бу соҳада анча-мунча ишлар қилинди. Бирқанча китоб ва рисоалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаблар учун қатор дарслик ва қўлланмалар чоп этилди. Айниқса, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг маънавият масалаларига алоҳида эътибори, унинг бу соҳага бағишланган қатор асарларининг нашр этилиши (1994 йилдаги - “Истиқлол ва маънавият” китоби, 1997-98 йилларда ўзбек ва рус тилларида нашр этилган «Маънавий юксалиш йўлида» ва «На пути духовного Возрождения» асарлари, 2008 йили “Маънавият” нашриётида босилиб чиққан “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли алоҳида асари) ушбу соҳанинг мустаҳкам оёққа туришида катта аҳамиятга эга бўлди. Шундай қилиб, бугунги кунда ишонч билан айтиш мумкинки, “Маънавият асослари” алоҳида фан сифатида шаклланиб келмоқда ва бу соҳада талай ютуқларга эришилганини қайд этилса муболаға бўлмайди.

Кейинчалик шу соҳада кадр тайёрлаш масаласи йўлга қўйилиши муносабати билан охириги йилларда бу фан ҳам тармоқланиб, “Маънавиятнинг ривожланиш тарихи” “Маънавиятнинг диний асослари”,

“Ахлоқнинг маънавий асослари”, “Санъатнинг маънавий асослари”, “Оила маънавияти” “Миллий мустақиллик ва маънавият” каби янги-янги курслар ўқув режага киритилмоқда.

Аммо ҳали ёш авлод маънавий тарбияси йўлида қилиниши зарур бўлган ишлар кўп. Қолаверса, бу соҳадаги ишларимизнинг жаҳон фани ва инсоният маънавий тақомили йўлидаги аҳамиятини ҳам унутмаслигимиз керак. Хуллас, “Маънавият асослари” жаҳон илмида ўз ўрнини эгаллашга дадил интилаётган янги фан бўлишига қарамай, унинг режалари - улкан, ниятлари – улуғ. Унинг мустақкам оёққа туриб олиши, кўп жиҳатдан, илгаридан мавжуд бўлиб келган унга ёндош ва туташ турли фан эгаларининг ҳолислиги ва хайрихоҳлигига ҳам боғлиқ.

Ҳозирги кунда нашр этилаётган баъзи ўқув қўлланмаларда “Маънавиятнинг предмети, тушунчалари...” деган жумлалар сарлавҳага чиқиб қолмоқда. Илмий жиҳатдан ёндошганда бундай дейиш унчалик тўғри эмас. Албатта, баъзан шундай ҳолатлар учрайдики, фан мавзуси билан номи бир хил бўлиб қолади. Масалан, биз фалсафани ўрганадиган фанни ҳам “Фалсафа” деймиз, тарихни ўрганадиган фанни “Тарихшунослик” деб ўтирмай, оддий қилиб “Тарих” деймиз, Ахлоқшунослик, Иқтисод назарияси, Адабиётшунослик фанлари ҳам баъзан халқ тилида қисқа қилиб “Ахлоқ”, “Иқтисод”, “Адабиёт” деб ишлатилади. “Физика”, “Этика” фанларининг номи ҳам аслида ушбу фан мавзулари номи билан аталган. Аммо барибир ҳаётнинг муайян соҳаси билан ушбу соҳани назарий ўрганишга қаратилган илм йўналишини фарқ қилган дуруст.

Юқорида айтиб ўтилганидек, шу кунгача жаҳон илмида маънавиятга маданиятнинг таркибий жиҳати сифатида қаралган бўлса, бугунга келиб бу ҳодисага янгича қараш шаклланиб келмоқда. Бу қарашга биноан маънавият моддий эҳтиёжлар ҳосиласи сифатида эмас, балки инсон ва жамият ҳаётининг асосини ташкил этувчи мустақил уч асосий йўналиш(иқтисод, сиёсат, маънавият)нинг бири сифатида олиб қаралмоқда. Шундай ёндошувдан келиб чиққанимизда, аксинча, **“маданият”** инсон маънавий фаолиятининг ҳосиласи, бошқа сўз билан айтганда, **инсон маънавиятининг моддий воқеликдаги излари** сифатида намоён бўлади. “Маънавият асослари” фани дастурий тизимини белгилашда ушбу янгича ёндошувга таянилди.

Курс ишининг мақад ва вазифалари. Бугунги кунда ёш авлодни маънавий баркамол шахс бўлиб шаклланишини таъминлаш таълим-тарбия тизимининг бош мақсади бўлиб турипти. Айни шу мақсадга қаратилган ҳолда ўрта мактабнинг 7-9 синфлари, коллеж ва лицейлар, барча олий ўқув юртлари ўқув режаларига “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанларидан алоҳида курслар киритилган. Бу соҳада илгари мутахассис тайёрланмаганлигини ҳисобга олсак, ҳозирга келиб педагогик таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичларида бу соҳалардан кадр тайёрлаш масаласи ниҳоятда долзарб вазифага айланган. Шунга кўра **“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”** махсус бўлими талабаларига “Маънавият асослари” курсини ўқитишнинг **бош мақсади** бакалаврият

талабаларини маънавият соҳасини ўрганишнинг асосий назарий масалалари билан чуқурроқ таништиришдан иборат бўлиб қолади. Чунки янгиланган ўқув режасига биноан бу ихтисослик учун муҳим бўлган “Маънавиятнинг ривожланиш тарихи”, “Оила маънавияти”, “Санъатнинг маънавий асослари”, “Миллий маънавий тикланиш” каби курслар алоҳида ва батафсил ўқитилади. Шу сабабли ушбу ўқув қўлланманинг мавзу доираси олий таълимнинг бошқа ихтисос йўналишларида ўқиладиган “Маънавият асослари” умумий курсидан сезиларли фарқ қилади.

Фаннинг ўқитиш услублари унинг мақсад ва вазифаларидан ва таълим қайси тингловчилар (талабалар, ўқувчилар) учун мўлжалланаётганлигидан келиб чиқиб белгиланади. Маърузалар, суҳбатлар, турли хил амалий машғулотлар тизими ҳар бир ўқув юрти ихтисос йўналишига мувофиқ равишда ишлаб чиқилиб, улар нафақат ушбу ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, балки мавзу тақозосига кўра, республиканинг муайян соҳадаги етакчи олимлари ва мутахассисларини таклиф қилинган ҳолда ташкил этилади. Дарслар, айниқса, суҳбатлар фақат дарс хоналарида эмас, мавзуга мувофиқ равишда турли маданият муассасалари, жумладан, музейлар, театрлар, илмий тадқиқот институтларида ҳам ташкил этилиши яхши самара беради.

Талабаларнинг фан мавзуларини ўзлаштириш устида мустақил тайёргарлик олиб боришларига алоҳида аҳамият берилади. Улар ҳосил қилган билим ва кўникмаларни текшириш реферат-тақриз, эркин иншо, оғзаки суҳбат-семинар, компьютер тестлари, мўъжаз маъруза, ижодий ишлар тарзида амалга оширилади ва мустақил тайёргарликни текширишнинг бошқа турли усуллари ҳам кенг қўлланилади.

Амалий машғулотлар, асосан, суҳбат, реферат-тақризлар ёзиш, янги педагогик усуллардан самарали фойдаланиш, баъзи мавзуларни англаб етишдаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган савол-жавоблар тарзида ўтказилади. Ахборот технологиялари, тасвирий-кўرғазмали воситаларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш, бир қатор машғулотларни турли маънавият ва маданиятга алоқадор муассасаларда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

1. Миллатнинг маънавий-ахлоқий тарбияси жамият тараққиётининг муҳим омили сифатида.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва ислохотлар натижасида, жаҳон цивилизацияси талабларига мос келадиган ҳамда миллий маънавиятимиз анъаналарига асосланган, янгича яшаш тамойиллари устуворлигини таъминлаш вазифалари ҳал қилинмоқда. Республикамиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз тараққиёт йўлини мустақил белгилаб олди. Ўтган даврнинг синфий-партиявий мезонлари ва ҳукмрон мустабидлик мафкурасининг тамойиллари ўтмишга айланди. Уларнинг ўрнига янгича жамиятни, яъни демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини қуриш, жамият аъзоларининг мақсад-муддаолари, орзу-интилишлари ва келажак ниятларини ифодаловчи маънавий-ахлоқий ривожланиш структураси ва унинг омиллари шаклланимоқда. Бугун бу омилларнинг самарадорлигини оширишга мазкур жараёнлар асосидаги турли муаммоларни ҳал қилиш, турли вазифаларни ечиш билан боғлиқ бўлган масалалар долзарблиги билан ажралиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданок халқимиз маънавий-ахлоқий меросини қайта тиклаш ва ундан жамиятни маънавий янгилашда унумли фойдаланиш зарурати туғилди. Чунки, “жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун аввало асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маърифий муҳит мавжуд бўлмоғи керак. Миллатнинг табиатида, қонида, насл-насабида эзгулик ва маърифат сари интилиш мафкураси ва қонунияти жўш уриши лозим.”⁷

Республикамиз Президенти И.А. Каримов, – “ҳар бир киши, миллат, халқ ўз тарихини билишни истайди, шунинг учун олимларимиз ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ва маданияти тўғрисида илмий яхлит концепция яратишлари зарур,”⁸ – деб таъкидлайди. “Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз.”⁹ Юртбошимизнинг фундаментал аҳамиятга эга ушбу кўрсатмалари ўтмиш аждодларимиз яратган маънавий-ахлоқий меросни чуқур ўрганиш ва бу масалаларга зиёлиларимиз эътиборини қаратиш орқали ёш авлод тарбиясида ва янги жамият асосларини яратишда улардан унумли ва ўринли фойдаланишга замин яратади.

И.А.Каримов Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланган дастлабки кунлардан бери миллатнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига биринчи даражали эътибор қаратиб келмоқда. Ҳали шўролар тузуми мавжуд пайтидаёқ - 1990 йил 24 март Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистонда биринчи марта президент лавозими жорий этилиб, Ислом Абдуғаниевич Каримов ушбу

⁷ Каримов И.А. “Жамият мафкураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин”. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1998 й.

⁸ Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1998 й.

⁹ Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1998 й.

лавозимга муносиб топилгач, Ўзбекистон Президенти “*халқни маънавий юксалтириш, инсонни ахлоқий ва маънавий юксалтириш*” масаласи давлат раҳбарининг энг муҳим вазифаларидан эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтган эди.¹⁰ “Маънавият” сўзини юқори доираларда ишлатиш мутлақо урф бўлмаган ўша замонларда бу мутлақо янгича ёндошув, ўша пайтлар республика раҳбари учун катта жасорат эди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг миллий мустақиллигимиз иккинчи йилида эълон қилинган “*Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли*” рисоласида алоҳида боб “*Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари*” деб номланди ва унда илк бор халқ маънавияти ва ахлоқининг ўзаро боғлиқлиги таъкидланиб уларни ривожлантириш масалалари батафсил таҳлил этилди.¹¹

Президент И.А.Каримов доимо иқтисод, сиёсат ва маънавият ва ахлоқнинг уйғун ривожланиши зарурлигини таъкидлаб келади: “*Давлат қурилиши, иқтисодий ривожланиш жараёнлари маънавий камолот, юксак ахлоқийлик билан тўла уйғун бўлмоғи керак.*”¹² Чунки мустақиллигимизнинг уч таянчи - мустақил миллий сиёсат, иқтисодий қудрат ва халқ маънавияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Агар сиёсий мустақиллик бўлмаса, миллат аста-секин ўзлигини йўқота боради, иқтисодий мустақиллик бўлмаса, сиёсий мустақилликнинг замини мўрт бўлади. Аммо маънавий мустақиллик бўлмаса, миллатнинг ўзи бўлмайди. Фақат уларнинг ўзаро уйғун ривожини таъмин этилсагина, Ўзбекистон улуғ юрт сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгаллай олади.

Ўзбекистонда халқ маънавий-ахлоқий меросининг жамият ҳаётидаги ўрни масаласига янгича қараш жамиятнинг тадрижий ривожланиши учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлиги тобора аён бўлиб бормоқда. Қадим даврлардан то ҳозирги замонамизгача яратилиб, авлодларнинг эзгу ишларига хизмат қилиб келган бой ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий меросимизни, миллий кадриятларимиз, урф-одатларимизни ўрганиб, халққа етказиш, келажак асосларини яратишга хизмат қилдириш муҳим вазифалардан бири бўлиб, улуғ алломаларимизнинг ахлоқ, хулқ-одоб, таълим-тарбия масалаларига оид асарлари, доно ва ибратли сўзлари, панд-насихатлари ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

¹⁰ И.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т.-«Ўзбекистон»-1994, с. 65

¹¹ И. Каримов. Асарлар. 1-жилд, с. 76-85

¹² Ислом Каримов. Асарлар. 3-жилд, с. 354

2. Маънавият ва ахлоқ. Инсон ҳаётининг маъноси.

Маълумки, инсон ва жамият ҳаёти уч асосий соҳа – **иқтисод, сиёсат ва маънавият** йўналишларининг мураккаб чатишувидан ташкил топади. Шу пайтгача жаҳон илмида **иқтисод** ва **сиёсат** йўналишлари чуқур ўрганилгани ҳолда **маънавият соҳаси** алоҳида яхлит воқелик сифатида етарлича тадқиқ этилмади ва алоҳида фан сифатида шаклланмади. Шу сабабли бу соҳанинг назарий муаммолари одатда ўзаро боғланмаган, чала-ярим ҳолда “Ахлоқшунослик”, “Фалсафа(шунослик)”, “Рухшунослик”, “Жамиятшунослик”, “Тарбияшунослик”, “Диншунослик” каби қатор ижтимоий фанларнинг мавзу доирасига аралашиб кетди ва илмий доираларда яхлит муаммолар тизими сифатида тасаввур қилинмади. Номи тилга олинган фанларнинг кўпчилиги Европа илмида узоқ вақт фалсафа соҳасига оид ҳисобланиб, турли фалсафий оқимлар томонидан **Борлиқ ҳақиқати** турлича талқин қилингани туфайли бу фанларнинг муаммолари юзасидан ҳам турли йўналишларда турлича ечимлар таклиф қилинди. Жумладан, ахлоқнинг маънавий асосларига муносабатда ҳам хилма-хил ёндошувлар вужудга келди.

Аслида **маънавият** – ботиний (ички) ҳодиса бўлиб, **ахлоқ** – шахс маънавиятининг бошқа инсонлар билан муносабатида намоён бўлиши, яъни маънавиятга нисбатан зоҳирий (ташқи) ҳодисадир.

Маънавиятни кўпинча “*маъно*” сўзи билан боғлайдилар. Бу бесабаб эмас. Фақат “қайси “*маъно*”? деган савол қўйиш керак. Маънавият ҳар қандай “*маъно*” билан эмас, балки “**инсон ҳаётининг маъноси**” масаласи билан боғлиқдир. Фикр юритувчи ҳар бир инсон бир кун эмас, бир кун албатта ўз ҳаётининг маъно-мазмуни, моҳияти ҳақида ўйлаб қолади. **Бу ёруғ дунёда яшашдан мақсад нима?** Деган саволни ўзига ўзи беради. “*Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не бир сир-синоатмиз, қаяққа қараб кетаямиз?*” деб ўз-ўзига савол беради Президент Ислам Каримов “*Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари*” китобида. Дарҳақиқат, инсон ҳаётининг маъноси борми, у нега яратилган ўзи?

Буюк мутафаккир аллома, шайх Нажмиддин Кубронинг истеъдодли шогирдларидан Нажмиддин Доя (Абу Бакр Абдуллоҳ Асадий Розий) ўзининг 1223 йилда ёзилган «Мирсод ул-ибод мин-ал-мабдаъ илал-маод» («Аллоҳ бандаларининг бошланғичдан тугалланишгача бўлган ҳаёт йўли») асарида ушбу саволга жавоб сифатида бир рубоий келтиради:

Максуди вужуди инсу жон ойина аст,
Манзури назар дар ду жаҳон ойина аст,
Дил ойинаи жамоли шоҳаншоҳ аст,
В-ин ҳар ду жаҳон ғилофи он ойина аст.

(Инсон вужудидан мақсад кўзгудир,
Ҳар икки жаҳонда эътиборга арзигулик нарса кўзгудир,
Кўнгил кўзгуси (Борлиқ) ҳукмдорининг жамолини акс эттирувчидир

Ва ҳар икки жаҳон ушбу кўзгунинг ғилофидир.)

Аллоҳ инсонни икки жаҳонда азизу мукаррам қилиб яратди. Бутун моддий оламни унга бўйсундирди. Инсон вужудидан мақсад эса унинг кўнгил кўзгусидир. Чунки бу кўзгу Борлиқ ҳақиқатини – Ҳақ жамолини ўзида акс эттириш қобилиятига эга. Бу табаррук гоя турли тарзда, турли кўриниш-ифодаларда кўпчилик улуғ алломаларимиз ижодида ўз аксини топган. Улар йўқ жойдан пайдо бўлмаган. Охирги ва бизгача мукаммал етиб келган илоҳий ваҳий бўлмиш Қуръони каримнинг «Нур» сураси 35-ояти “Аллоҳу нур ус-самовоти ва-л-арз»(Аллоҳ осмонлар ва ернинг “нуридир”) деб бошланади ва давомида « Аллоҳ ўзининг (бу) нурига ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур» (Йаҳди-л-лоҳу ли-нуриҳи ман йашау) деб таъкид этилади.¹³

Маълумки, инсон мукаммал мавжудот эмас. Вақти келса, у энг кутурган ҳайвондан бадтар ваҳшийлашиши ёки энг разил махлукдан ҳам баттар тубанлашуви мумкин. Аммо Аллоҳ ҳикмати шундаки, бегуноҳ фаришталар эмас, айна Одам насли ер юзида халифа қилиб яратилган. Аллоҳ таоло Одам Атони яратишни ирода этар экан, фаришталарга “Мен ерда халифа яратмоқчиман,”-дейди (Бақара сураси, 30-оят). Қуръони каримда инсоннинг ер юзида халифа қилиб яратилганлиги ҳақидаги хабар яна қатор сураларда зикр этилади. “У сизларни ерда халифа қилиб қўйган зотдир”, - дейилади Фотир сураси 39-оятида. “Анъом” сураси 165-оятида, Юнус сураси 14-оятида, Сод сураси 26-оятида, Намл сураси 62-оятида, Нур сураси 55-оятида, Аъроф сураси 129-оятида ҳам шу мазмун ифодаланади. Шундай экан, Нажмиддин Доя келтирган фикрлар миллий маънавий меросимиз учун тасодифий эмас, балки етакчи фикрдир. Маънавият ҳақида сўз юритганда биз, аввало, ана шу табаррук ҳақиқатни фаромуш этмаслигимиз керак.

Аждодларимиз меросида сурат ва маъно, мажоз ва ҳақиқат ҳақида сўз боради. “Сурат”ва “мажоз” тушунчалари бу ўринда фоний дунёни, жумладан, инсон вужудини, “маъно” ва “ҳақиқат” эса боқийликни, Борлиқнинг боқий моҳиятини ифодалаш учун ишлатилади. Демак, инсон маънавияти унинг бақога дахлдорлигини, ушбу фоний хилқатда акс этиши мумкин бўлган боқий ҳақиқатни, хуллас, фанода бақонинг намоён бўлишини англатади.

Ҳар бир инсонга Аллоҳ таоло ўзига яраша хулқ ато этган. Ҳар бир инсон ўзига хос табиати, хулқи билан туғилади. Унинг ахлоқий фазилат ва қусурлари айна шу табиатан ато этилган хислатларнинг маънавият нуридан қанчалик баҳраманд бўлишига қараб шаклланади. Материалистлар инсон ахлоқининг қандай йўналишда шаклланишини атроф-муҳитнинг таъсири, ижтимоий шароитнинг соз-носозлиги билан боғламоқчи бўлишади. Аммо инсонда ички фаоллик бор, ирода бор – у хоҳ яхшиликка йўналган бўлсин, хоҳ ёмонликка. Инсон ўз имон-эътиқоди, илми, масъулият ҳисси, дилидаги

¹³ Қуръони карим. Т., 2001. (Иқтибослар Абдулазиз Мансур таржимаси асосида берилди. Фақат баъзи махсус эслатилган ўринларда ушбу таржимадан четга чиқилди.)

мехр туйғуси кимга қаратилганлигидан келиб чиқиб, атроф-муҳитга, ўзгаларга муносабатини шакллантиради. Шу сабабли айни бир муҳит, айни бир шароитда турли инсонлар турлича муносабат намоён қиладилар. Содда қилиб айтсак, инсон ўз ҳаётининг маъносини нимада кўрса, ўзгалар билан муносабатида, яъни ахлоқида шу ботиний моҳиятини қандайдир бир тарзда намоён этади.

3. “Ўзбекистон халки”

Ўзбекистон халқи эски тузум асоратларидан, миллий табиатимизга ёт бўлган мафкуравий қарашлардан воз кечиб, янги ҳаёт, демократик жамият қуриш, унинг ҳуқуқий асослари ва тамойилларини белгилаб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари пухта ҳуқуқий асос – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, миллий-ахлоқий ва маънавий, умуммиллий, умумбашарий қадриятларга, демократик ва ҳуқуқий давлат тамойилларига, фуқаролик жамияти асосларига таянган ҳолда келажак сари шахдам қадамлар билан одимламоқда.

Бу йўлда, албатта, аجدодларимиз қолдирган буюк маънавий мерос биз учун маёқ бўлиб доимо йўлимизни ёритиб туради. Аммо ўзбек халқи ҳечқачон миллий биқиқлик, фақат ўз миллати эришган ютуқлар билан чекланиш тамойилини тутган эмас. Қадимдан аجدодларимиз жаҳон илми ва маданияти ютуқлари билан қизиқиб, уларни ўрганиб, вақти келса, уларга ўз улушини қўшиб келган. Шу билан бирга халқимиз ҳечқачон бегона қадриятларни кўр-кўрона ўзлаштириш йўлидан борган эмас. Фақат ўтган асрнинг 70 йили давомидаги дунёқараш ва мафкура масаласида марксизмнинг тоталитар тазийқи маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам миллатимиз онгида оғир асоратлар қолдирди. Бу нарса айниқса зиёли тоифасининг бугунги кайфиятида сезилиб қолмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, жаҳон илмида **маънавият соҳаси** яхлит ҳолида тадқиқ мавзуси (объекти) бўлмаганлиги учун унинг турли жиҳатлари турли фанлар таркибида ўрганилди. Булар ичида, айниқса, **фалсафа** ва унинг таркибий қисми ҳисобланган **этика (ахлоқшунослик)** фани асосий ўрин тутди. Шу сабабли биз **жаҳон илми ривожид ахлоқ ва маънавият нисбатини** кўпроқ ушбу фанлар доирасида кузатишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, бугунгача башарият жуда узоқ тарихий жараёни бошдан кечирган, буюк маънавий камолот йўлини босиб ўтган. Хўш, ушбу маънавий-ахлоқий камолотнинг сабаби, манбаи нима, нега ер юзида тарқалган минглаб тирик жонзотлар ичида маънавий-ахлоқий камолот фақат инсон зотига насиб этди, бошқа бир биологик мавжудотга эмас? Бу масаланинг талқинида икки хил ёндошувни кузатиш мумкин. Моддиончилар инсоннинг руҳий (ақлий ва маънавий-ахлоқий) камолотини, бошқа биологик мавжудотлардан фарқланишини минг йиллар давомида юз берган узоқ муддатли такомил жараёни сифатида тасаввур қиладилар. Бу жараёнда инсон зоти қачондан бошлаб, ўзга жониворлардан аниқ фарқ

кила бошлагани, асл моҳиятига кўра инсон ва ҳайвон орасидаги чегара масаласи муаммога айланади. Агар илоҳий китоблар мазмунига эътибор қиладиган бўлсак, инсон яратилишидан ўзга мавжудотлардан фарқ қилади. Бу фарқ биринчи навбатда бани башар моҳиятида маънавий камолот имкони мавжудлигидадир, унинг ахлоқий фазилатлар касб эта олиши ҳам шу билан боғлиқ. Бу маънавий камолот имкони ўз-ўзидан юзага чиқмайди. Бунинг учун муаллимлар, тарбиячилар, яъни зиё аҳли лозим. Аллоҳ таоло инсониятни Ҳақ йўлига даъват қилиш учун илк зиёлилар – пайғамбарларни масъул қилган. Инсоният тарихида Одам атодан бошлаб неча минг пайғамбарлар ўтган. Улар ўзларига бевосита ваҳий тарзида нузул этган Олий ҳақиқат сирларини ўз қавмларига етказиб борганлар.

Бизнинг назаримизда, инсоннинг ҳайвондан фарқи, яқин-яқинларгача марксистлар даъво қилганидек, меҳнат туфайли эмас (кўплаб уй ҳайвонларини Инсон меҳнат қилишга мажбур қилади), балки никоҳнинг тартибга солиниши билан бошланган. Тарихчи олимлар башарият тарихининг бошланиши ҳақида ёзганда ибтидоий гала ва уруғ жамоани ўзаро фарқ қиладилар. Уларнинг тасаввурларига кўра, илк одамсимон мавжудотлар ибтидоий гала сифатида умр кечирганлар, кейинроқ уруғ жамоа шаклланган. Ушбу икки гуруҳнинг асосий фарқи шундаки, ибтидоий галада барча ҳайвон галалари каби эркак ва урғочи орасидаги муносабатлар муайян тартибга солинмаган, уруғ жамоада эса муайян никоҳ қоидаларига қатъий риоя қилинган. Маълумки, инсондан ўзга мавжудотларда ушбу қоидаларга риоя қилиш урф бўлган эмас. Биологик жиҳатдан бунинг қатъий зарурати ҳам йўқ. Демак, бу фарқланиш асосан маънавий-ахлоқий хусусиятга эга. Бундай тартибни ибтидоий инсон ўз ақли билан ўйлаб топишига бовар қилиб бўлмайди. Шундай экан, бундай тартиб илоҳий ваҳий асосида пайғамбарлар томонидан жорий қилингани эҳтимолга яқинроқ. Ҳар ҳолда башарият тарихи, маънавият нуқтаи назаридан қараганда, ибтидоий галадан эмас, **уруғ жамоа**(родовая община)нинг шаклланишидан бошланади, десак дуруст бўлади.

Европа қадимшунослари инсониятнинг ижтимоий ривожини меҳнат курулларининг такомиллашуви билан боғлаб, илк тарихий босқични **тош асри** деб атайдилар. XIV аср араб тарихчиси Ибн Халдун бу давр ижтимоий муносабатларини **ибтидоий жамоа** (“бадавия” жамоаси) деб таърифлаган. Бу даврда инсон ва табиат орасидаги муносабат ниҳоятда яқин бўлган. «Авесто»нинг бизгача сақланиб етиб келган тўрт қисмидан бири «Вендидад» китобининг иккинчи бобида **Жамшид** (асли Йима вахишта – гўзал Йима) ҳақидаги **асотир** (миф) баён қилинади. Ушбу асотир мазмуни қуйидагича:

Бутун оламлар парвардигоридан Зардуштга пайғамбарлик рутбаси иноят бўлгач, у тангрига мурожаат қилиб сўрайди: «Эй, бутун дунёнинг яратувчиси, муқаддас зот Ахура Мазда (Олий билимлар эгаси)! Сен мендан илгари инсонлардан қай бири билан суҳбат қилгансан, кимга илк бор Ахура Мазданинг муқаддас динидан таълим бергансан!»

Олий билимлар эгаси бўлмиш ягона тангри унга шундай жавоб қилади: «Эй, Ҳақ бандаси Зардушт! Сендан илгари мен илк бор инсонлардан Йима

(Жамшид)га, чорва ва йилқи подалари эгаси ўшал гўзал инсонга хабар йўлладим. Мен унга: «Эй, Вивахванта ўғли гўзал Йима! Сен менинг динимни ўрганиб, уни ҳимоя этишга тайёргарлик кўргин», дедим. Аммо, эй, Зардушт, ул гўзал Йима шундай жавоб қилди: «Мен бундай вазифа учун яратилмаган бўлсам, ўқимаган бўлсам, мен дин-эътиқодни чуқур ўзлаштириш ва ҳимоя қилишга қодир эмасман». Шунда, эй, Зардушт, Мен – Ахура Мазда – унга буюрдим: «Агар сен, эй, Йима, менинг динимни ўзлаштириш ва ҳимоя қилишга тайёр бўлмасанг, унда мен яратган дунёни обод қил, кенгайтир. Сен ушбу ер юзини ҳимоя қилишга, эҳтиётлашга ва бошқариб туришга масъул бўл!» Ва, эй, Зардушт, ул гўзал Йима менга жавоб қилди: «Мен сен яратган дунёни обод қиламан, уни кенгайтираман, уни ҳимоя қилишга, эҳтиётлашга, бошқариб боришга мен тайёрман.»¹⁴ Шундан сўнг 900 йил давомида Йима (Жамшид) ер юзини обод қилиб, турли хунарларни жорий қилди. Бой моддий маданият бунёд этилди. Аммо умрининг охирида Жамшид ютуқлардан ғурурланиб кетиб, кибрга берилди. Ўзини «яратувчи» эълон қилиб, бутун халқдан ўзига сажда қилиш, сиғинишни талаб қила бошлади. Шунгача, ривоят қилишларича, ўлим ҳам, касаллик ҳам, совуқ ҳам, очлик ҳам бўлмаган экан. Жамшид ўзини «худо» деб эълон қилгач, ер юзига ўлат тарқайди, очлик ва қаҳратон совуқ бошланади. Ва шундан кейин даҳшатли ёвуз куч – Ажи Даҳака юртга бостириб кириб, ўз ҳукмронлигини ўрнатган ва минг йил юртни зулмат қоплаган экан.

«Авесто» китобида инсоннинг ақлий такомилидаги **асотир тафаккур** босқичи ўз ифодасини топган. Шу сабабли ундаги воқеалар баёни ҳам асотир (миф) шаклида бўлиб, тарихий воқелик ўзига хос талқин этилади. Масалан, Қадимги дунёдаги ҳукмдорлар шахсининг илоҳийлаштириш анъанаси (Мисрда фиръавнлар шахсига сиғиниш, Вавилон ва Ашшурдаги, ҳатто Рим империясидаги шундай тамойиллар) юқоридаги асотирда муайян даражада ўз аксини топган. Қандай бўлганда ҳам «Авесто»да тасвирланган Жамшид даври шартли равишда инсоният маънавий камолотининг биринчи босқичи – **тош асрига** ишора, деб қабул қилиш мумкин. Бу давр қанча муддат давом этгани ҳақида ҳозир фанда турли баҳслар кетмоқда, лекин бир неча минг йиллар давом этгани шубҳасиз. Бу даврда инсон турли тош қуроллар яшаш ва улардан фойдаланишни ўрганди, камон ва ўқ ёй, ибтидоий сопол идишлар кашф этилди, ибтидоий чорвадорлик ва деҳқончилик шаклланди, илк уй хайвонлари ва маданий ўсимликлар пайдо бўла бошлади. Бу даврда бани башар илк бор табиат ва инсон аро уйғунлик мавжудлигини ҳис эта бошлади, яратувчилик меҳнатининг самарасини кўрди. Инсон руҳида унинг ҳаёти учун муҳим бўлган Она табиатга меҳр, ер, сув, оловни эъзозлаш, яратувчилик меҳнатини қадрлаш каби маънавий фазилатлар пайдо бўлди.

Милодий эрадан IV-III минг йиллар илгари башарият маданий-маънавий такомилида эврилиш юз бера бошлади. Дунёнинг катор минтақаларида инсонлар металлни қайта ишлашни кашф этиб, аввал мис,

¹⁴ Брагинский И. С. Из истории таджикской и персидской литератур. М.-«Наука»-1972, с. 50-51

кейинроқ мураккаб қотишма бўлган жез (бронза) қуроллар ясашни ўрганишди. Археологлар тили билан айтганда, **энеолит (мис-тош) ва бронза асри** бошланди. Бу даврда ибтидоий уруғ-жамоалар билан бир пайтда **илк шаҳарлар** ташкил топа бошлади. **Давлатчилик** асослари вужудга келди. Ибн Халдун ижтимоий муносабатларда юз берган бундай сифат ўзгаришларини ҳисобга олиб, энди **шаҳар жамоаси** (арабча шаҳар маъносидаги “*мадина*” сўзидан “*мадания жамоаси*”) вужудга келганини қайд этади. Унинг ёзишича, энди жамиятда синфий табақаланиш, махсус бошқарув тизими, яъни давлат, куч билан жорий қилинадиган қонунлар шакллана бошлайди.

Бу даврда **Яқин Шарқда** – қадим Дажла ва Фурот дарёлари оралиғида (**Месопотамияда**) ҳамда Нил дарёси қуйи оқимида (**қадимги Миср**) қудратли ёзма маданият яратилди, мураккаб давлат тизими шаклланди. Айни шу пайтларда **Марказий Осиё** (Копетдоғ этакларидаги Намозгоҳтепа ва Олтинтепа ёдгорликлари) ва **Ҳиндистонда** (Моҳенжо-Даро ва Хараппа ёдгорликлари) ҳам **илк шаҳар маданияти** шакллана бошлангани кейинги йилларда фанга маълум бўлди. Дастлаб Икки дарё оралиғида қадим Шумер шаҳар-давлатлари (Ур, Урук, Ларса, Лагаш, Умма, Шуруппак, Ниппур, Киш, Сиппар ва бошқалар) пайдо бўлди, уларда юксак ёзма маданият шаклланди. Кейинчалик бу ерда Аккад, Бобил ва Ашшур давлатлари юзага келиб, қулдорлик тузумига асосланган қудратли салтанатларга айланди, мукаммал қонун тизимлари яратилди.

Милоддан илгариги II минг йилликдан бошлаб қадимги Хитойда Шан (Инь) давлати вужудга келди, Ҳиндистонга орий қабилаларининг кириб келиши билан «Веда» маданияти шакллана бошлади, жанубий Ўзбекистонда ҳам илк шаҳарлар (Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари) пайдо бўлди. Аста-секин ер юзининг турли минтақаларида обод ўлкалар кўпайиб, Кичик Осиёда Хеттлар давлати, кейин Лидия ва Фригия, Эгей денгизи ҳавзасида Крит ва Микен маданияти, Яманда Маин ва Сабо давлатлари, Фаластинда Исроил ва Иудея, Ўрта Ер денгизи қирғоқларида Финикия, Африкада Ҳабашистон (Эфиопия), Кавказортида Урарту ва ҳоказолар қарор топди.

Илк ёзув кашф этилгандан бошлаб ўтган уч минг йилдан ошиқроқ даврнинг бизгача етиб келган ёзма маданиятини умумий кўздан кечирадиган бўлсак, мавжуд битиклар руҳида **Борлиқ моҳиятини англаб етишнинг икки йўналишини**, бошқача айтганда **икки хил тафаккур тарзини** уқишимиз мумкин: 1) **тавҳидий тафаккур**, 2) **асотир тафаккур**. Мавжуд матнларда улар кўпинча қоришиқ шаклда ҳам учрайди. Масалан, энг қадимги ёзма маданият намуналари бўлмиш Шумер асотирларини холис кўз билан таҳлил этилганда, уларда ягона Тангри, ғайб олами, фаришталар, Жаброил(а.с.), илк инсон ҳақидаги тавҳидий тафаккурга оид тасаввурларнинг асотирий тимсоллар (“Дингир” “Ан”, “ануннаклар”, “Энлил”, “Энки”) сифатида ифодаланганлигини фараз қилиш мумкин¹⁵. Бундай ҳодиса “Авесто” китобида янада ёрқинроқ акс этган.

¹⁵ Бу ҳақда ушбу сатрлар муаллифининг 200 саҳифалик махсус тадқиқоти қўлёзма ҳолида сақланмоқда.

Марказий Осиёда (қадим Хоразм ва Марғиёнада) бунёдга келган «Авесто» маданиятининг илк шаклланиши қачон ва қандай кечганлиги ханузгача фанга аниқ маълум эмас. Қадим юнон тарихчиси Плутарх Зарадуштра Троя урушидан 6 минг йил илгари туғилган деб таъкидлайди. Агар Троя уруши милодий эрадан 1200 йил илгари юз берганини назарда тутсак, Зардушт яшаган давр бугунги кундан 9 минг йил олдин бўлиб чиқади. Аристотель Зардушт вафотини Платон (мил. Авв. 428-348 й.) вафотидан 6 минг йил илгари бўлган деб кўрсатади. Гермодор ва Германи Зороастр (юнонча талаффуз) Троя урушидан 5 минг йил илгари яшаган, деб ҳисоблайдилар. Бугунги кунда бундай эътирофларни қай даражада ҳақиқатга яқин келишини аниқлаш ниҳоятда мушкул. Ҳар ҳолда «Авесто» китоблар мажмуасида акс этган маданиятга **бронза асри** маданий қатламидан бизгача етиб келган буюк мерос сифатида қарасак хато бўлмас. Бу китобда турли қабила асотирлари билан тавҳид эътиқодидан таълим берувчи қарашлар ўзаро чатишиб кетгани очиқ-ойдин кўриниб туради.

«Авесто» шарҳига оид IX асрда тузилган «Денкарт» китобида баён этилишича, қадим замонда Наврўз байрамига тайёргарлик кунларида муқаддас хаома ичимлиги тайёрлаётган қоҳинлардан бири Зардушт сахар палласида дарё ёқасига сув олиш учун тушади. Шу пайт дарёнинг ўртасида нурли сиймо – Ахура Мазданинг Воҳу Маана (Эзгу фикр) исмли малаги пайдо бўлади. Воҳу Маана Зардуштни етаклаб Ахура Мазда ҳузурига олиб боради. Борлиғи эзгу нур билан йўғрилган Ахура Мазда замин у осмондаги барча эзгу нарсаларнинг яратувчиси эканини Зардуштга билдиради. Одамлар орасида Ахура Маздага сиғиниш эътиқодини ёйишга Зардуштни масъул қилиб, уни «пайғамбар», яъни хабар етказувчи қилиб танлаганини эълон қилади. Бу тасвир асосида бир қатор тадқиқотчилар «Мазда ясна» дини ваҳий орқали билдирилган илк самовий эътиқод бўлса керак, деб тахмин қилмоқдалар¹⁶.

Зардушт яшаган даврда аجدодларимиз ҳали ёзувга эга эмас эдилар. Зардушт Ахура Мазда пайғамбарлигига мушарраф бўлиб, у ҳақида, унинг дини ҳақида турли қавмларга хабар етказган замонларда ўша даврнинг турли қабила ва уруғ маъбудларига бағишланган мадҳия-алқовлар, афсун ва асотирлар кенг тарқалган бўлган. Уларнинг кўплари кейинчалик «Авесто» китоби таркибига киритилганлиги натижасида «Мазда ясна» эътиқоди ҳақидаги бизнинг тасаввурларимиз ҳам турлича бўлиб қолмоқда. Авестошунослар ҳулосасига кўра, аслида бевосита Зардушт номи билан боғлиқ матнлар турли ҳажмдаги 17 муножотдан иборат бўлиб, илмий адабиётларда уларни «гоҳ»лар (Европа илмида баъзан «гате» ёки «госе» ёзилади) дейишади. Зардушт «гоҳ»лари моҳиятан набининг ягона Тангрига мурожаати ва унга илоҳий жавоблар шаклида бўлиб, «Авесто» таркибидаги

¹⁶ Биз зардуштийлик деб ўрганган эътиқод тизими асли манбада «**Мазда ясна даэна**» (Маздага сиғиниш дини) деб аталган. Мазда сўзи «билим», «билимдонлик», «донолик», «донишманд», «оқил» маъноларига тўғри келади. Бу сўз олдида «Ахура» («парвардигор», «бутун борлиқнинг эгаси, ҳукмрони») сўзи қўшилса, **Ахура Мазда** исми ҳосил бўлади. Шундай қилиб, «олий, илоҳий билимлар эгаси» маъносидаги Ахура Мазда «Маздаясна» динида ягона тангри, борлиқни яратувчи қудратли зотнинг номланишидир

«Ясна» китобининг 28-34, 43-51 ва 53 бобларини ўз ичига олади. Уларда асосан буюк ва ягона парвардигор Ахура Маздага эътиқод тарғиб этилади.

«Авесто» маданиятининг тугал шаклланиши кам деганда милoddан илгариги VII-VI асрларда якунланган ва балки шу даврларда ёзма матнга кўчган бўлса, эҳтимол. Искандар Макдуний ўлкамизга келганда «Авесто»нинг тўлиқ ёзма матни мавжуд бўлганлиги қадим китобларда қайд этилади. «Авесто» маданияти маънавий мазмунига кўра, шумер ва аккад тилларида Бобил ва Ашшур давлатлари ҳудудида яратилган асотири маданияти ёдгорликларидан асло кам эмас, балки ортиқ бўлиши мумкин. Аммо, афсуски, Искандар Макдуний босқини туфайли юртимизнинг энг қадимги ёзма ёдгорликлари шафқатсиз йўқ қилинди, бизгача мукаммал етиб келмади.

«Авесто» китоби дастлаб 12 минг ошланган бузоқ терисига ёзилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ўша қадим китобда 1200 боб (фрагмент) мавжуд бўлиб, қадим юнон тарихчилари хабар беришича, 2 миллион мисра (сатр)ни ташкил этар экан. Ривоятларга кўра, Искандари Макдуний китобнинг бир нусхасини Юнонистонга жўнатиб, қолганларини ёқиб юборган. Кейинчалик, Сосонийлар сулоласининг асосчиси Ардашер Попокон(227-243) даврида донишманд вазир коҳин Тансур раҳбарлигида «Авесто» матни иккинчи қайта йиғилган ва қонунлаштирилган. «Денкард» китобида берилган маълумотларга кўра, бу нусха 348 бобни ўз ичига олувчи 21 китобдан иборат бўлган. Ҳар бир китоб «наск» деб аталган. Бу нусха ҳам араблар босқини пайтида йўқолиб кетди. Ҳозирги кунда мавжуд матн фақат 4 китоб, 140 боб, 83000 сўздан иборат бўлиб, «Денкард» китобида тилга олинган ёдгорлик умумий ҳажмининг бор-йўғи чорак қисмини ташкил этади. Ушбу асарнинг бизгача етиб келган энг қадимги қўлёзмаси 1278 йилда кўчирилган.

«Авесто»нинг 4 китоби ичида тўлиғича сақланиб қолгани биргина «Видевдат» («Девларга қарши амаллар») наскидир. Иккинчи китоб «Висперед» («Авесто» тилида «Висператаво»-«Барча қудрат эгалари») бўлиб, ундан 24 боб («карде», «Авесто» тилида «керети») етиб келган. Учинчи китоб «Авесто»нинг энг катта қисми «Ясна» бўлиб, 72 бобдан иборат. Юқорида айтилганидек, Зардушт «гоҳ»лари шу китоб таркибида. Қолгани асосан турли эзгу зотлар шаънига мадҳиялар ва маросим дуоларидан ташкил топган. «Ясна» боблари «ха» деб аталади. Тўртинчи китоб – «Яштлар». Ундаги ҳар бир боб («яшт») алоҳида бир маъбуд ёки маъбудага бағишланган мадҳия-алқовлардан («яшт»- «алқов», «мадҳия») тузилган бўлиб, жами 22 боби бизгача етиб келган. «Авесто» ҳажми катта китоб бўлганлиги сабабли коҳинлар кундалик фаолиятида фойдаланиш учун кейинчалик унинг ихчамлаштирилган шакли – «Кичик Авесто» (Хурде Авесто)га тартиб беришган.

Зардушт таълимотининг **ахлоқий қарашлари** ниҳоятда ибратлидир. Масалан, Мазда ясна эътиқодига амал қилган ҳар бир инсон ибодат олдида куйидаги ният сўзларини баралла овозда айтмоғи лозим эди:

«Қувонсин Ахура Мазда, энг лойиқ Ҳақ таолонинг иродаси рўёбга

чикиб, Ангра Майню даф бўлсин. Эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амални алқайман. Ўзимни буткул эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу ишларга бағишлайман. Қабиҳ ўй, қабиҳ сўз ва қабиҳ ишлардан юз ўгираман... Ҳақни шарафлаб дейман: «Ҳақиқат олий неъмат, бу неъматдан ул киши баҳраманд ва савоб унга бўлғайки, у агар энг эзгу Ҳақ йўлида савоб ишдан қолмаса». Маздага сиғинаман, Зардушт ёвлари бўлган девларга ёвман. Ахура Мазда сўзига даъват этаман, деб имон келтираман...Нурафшон Ахура Маздага сиғинишим туфайли унинг севинчига топинчу ҳамдларим, суюнчу олқишларим бўлсин. «Эзгуликда беназир эгам...» дея бошлайман ушбу ибодатимни...»

«Денкарт» китобида баён қилинишича, сосонийлар давридаги 21 китоб(“наск”)дан 1-наск – саҳоват, валийлик, савоб ишларнинг мазмун ва моҳияти; 6-наск – покланиш қонун-қоидалари; 13-наск – ҳар бир ишда адолат, ўзгалар ҳақидан қўрқиш, тош-тарози ўлчовида ҳалоллик, авлиёлар ибрати; 14-наск – никоҳда қондошликка қарши қонунлар; 16-наск – мулк ва оила ҳуқуқи қаби одоб-ахлоқ ва инсонлар аро муомалага оид масалаларни ўз ичига қамраб олган. «Авесто»да деҳқончилик, хонаки чорвадорлик, оила, покиза ҳаёт кечириш масалаларига катта аҳамият берилади. Масалан, бир ўринда Зардушт Ахура Маздага савол беради:

- Эй, моддий оламнинг яратувчиси! Ер юзида қайси ўлка сенга энг мақбулдир?

Ахура Мазданинг жавоби:

- “Қаерда тақводор инсон ўзига оила курса, унда олов ва сут, аёл ва фарзандлар, чорва бўлса, ўша ўлка мақбулдир, бундай ўлкада чорва ҳам мўл, аёл ва фарзандлар ҳам мўл, олов ва турли неъматлар ҳам, озуқа ва итлар ҳам мўл, тақводорлик ҳам ортиқдир... Эй, Зардушт Спитама! Қаерда ғалла, ўт-ўланлар, емиш учун турли сабзавот ва мевалар кўп етиштирилса, кўриқ ерлар суғорилиб, ботқоқликлар қуритилса, кўй ва моллар кўп боқилса, улар гўнги ерга (тупроққа) солинса, ўша ўлка энг мақбул ўлкадир. Кимки бу ерга, эй, Зардушт Спитама, ўнг ва чап қўли билан ишлов берса, ўша, дарҳақиқат барака топади. Севгувчи эр ўз маҳбубаси-аёлини юмшоқ ўринда қандай эркалаб, унга ўғил ё бошқа фарзанд бахш этса, деҳқоннинг ерга ишлов бериши ҳам шунга ўхшашдир. Шунда ер унга айтади: - “Эй, инсон, сен мени ўнг қўлинг ва чап қўлинг билан парвариш этсанг, чап қўлинг ва ўнг қўлинг билан ишлов берсанг, мен сенга мўл ҳосил ва турли неъматлар етказиб бераман”. Ким агар бу ерга ишлов бермаса, эй, Зардушт Спитама, агар ўнг қўли ва чап қўли билан ерни парвариш этмаса, ер унга айтади: - “Эй, инсон, сен менга парвариш бермас экансан, билки, абадул-абад ўзгалар эшиги олдида сарғайиб, тиланиб турувчилар қаторида бўласан, сенинг олдингдан эртаю кеч турли таомларни олиб ўтишади (сен эса қараб қола берасан)”... Ким ғалла экса, у тақводорлик уруғини экади, ғаллани ўриб янчишга тайёрлашганда, девларни тер босади, тегирмонни ун тортишга ҳозирлашганда, девлар тоқати тоқ бўлади, ундан хамир қоришга киришганларида, девлар зор қақшаб фарёд чекишади, хамирдан кулча ясаб, тандирга ёпишганда, девлар даҳшатдан уввос тортишади”.

Китобнинг қолган бобларида ҳам покизалик, гуноҳ ва савоб, ҳалол ва

харом масалаларига кўп аҳамият ажратилади. Маздаясна динида покизалик масаласига, айниқса, алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, «Вендидад»нинг 17-боби тўлиғича соч ва тирноқлар парваришига бағишланган. 19- бобда ёвузлик даҳоси, девлар ҳукмдори Ангра Майньюнинг ёлғончилик деви Друж (ҳозирги форс тилида «*дуруг*» - ёлғон демакдир) ёрдамида Зардуштни йўлдан оздириш ёки ўлдириш учун уринишлари тасвир этилади. Зардуштга Ахура Мазда мадад беради. Чексиз замон тимсоли Зурван (Зрвана акарана)га муножот ҳам ушбу бобдан ўрин эгаллаган. Ушбу бобда вафот этганлар руҳи Чинвад кўпригидан ўтиши жараёни тасвирланади. Ёвузлар руҳи бу кўприкдан ўта олмай тубсиз зулматга қулайди, такводор инсонлар руҳи эса Чинвад кўпригидан эсон-омон ўтиб, Хара тоғига Гаронмана маконига етишадилар.

«Гох»ларда Ахура Мазда ваҳийси билан тинч-осойишта яратувчиликка қаратилган ҳаёт, оқил ва адолатли ҳукмдор раҳнамолиги, ижтимоий ва маънавий уюшиш ғоялари ташвиқ этилади. Турли хурофотлар, ёлғон ва талончилик, ҳуда-беҳуда ҳайвонлар қонини тўкиб, қурбонликлар ўтказиш каттиқ қораланади. Уларда уй ҳайвонларини, моддий неъматларни етиштириш тарғиботи жуда изчил бўлиб, табиат бойликларини нест-нобуд этиш, талончилик, инсон меҳнатига беписандлик ёвузлик сифатида талқин этилади. Ҳамма ёвузликларнинг боши ёлғончилик ва бебошвоқ ҳаётдадир.

Хуллас, Зардушт таълимотига кўра инсонлар ўз амаллари билан эзгулик ғалабаси учун хизмат этмоқлари керак, ёлғон-ёвузлик кучларига кескин зарба бермоқлари лозим. Зардушт «гох»лари неча минг йиллар давомида уни табаррук тутган инсонлар томонидан илоҳий ваҳий, деб тан олиб келинди. Бугун бу ҳақда аниқ бир нарса дейиш имкондан ташқари. Қуръони каримда Зардушт пайғамбар сифатида, «Авесто» ёки унинг узвий бир қисми илоҳий китоб сифатида эса олинмаган. Аммо шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, илоҳий китобда Зардушт ёлғон пайғамбарлар сифатида фош этилган эмас, «Авесто» ҳақида ҳам махсус раддия билдирилмаган. Ушбу сир ёлғиз Аллоҳга аён. Биз эса ақлимиз етган даражада мулоҳаза юритамиз.

Зардушт ягона Ахура Мазда номидан пайғамбарлик қилгани, фақат унинг хабарини элга ёйишга урингани эътиборга олинса, дастлабки таълимот кейин шаклланган (бугунги парслар қўлида бўлган) китобдан фарқ қилган, унинг таркибидаги муқаддас дуо ва такбирлар ёлғиз Ахура Маздага бағишланган бўлиши керак. Ҳар бир қабила, ҳар бир уруғ ўзи ўйлаб топган ёлғон маъбудаларга сиғиниб, бефойда қурбонликлар келтириб юрган бир пайтда, Ахура Мазданинг якка-ягона парвардигор, Борлиқнинг донишманд, одил ва оқил мутлақ яратувчи ва идора этувчи эканини эълон этиш, инсонларни ягона тангрига эътиқод этишга чақириш илк бор инсон қалбини илоҳий нур ёритганлигининг далолати бўлиши мумкин.

Ҳар қандай бўлганда ҳам Зардушт гоҳлари «Авесто» матнининг умумий руҳидан маълум даражада фарқ қилиши аллақачон ушбу соҳа билимдонларининг диққатини тортган. «Авесто» матнларининг кўпчилик қисми, юқорида айтиб ўтганимиздек, инсоният онги такомилида асотир

тафаккур босқичини акс эттиради. Зардушт «гоҳ»лари эса **тавҳид ғоялари** асосига қурилган, яъни олам ва коинотнинг ягона Парвардигоридан хабар беради, уни Олий ва муқаддас (аниқроғи, мутлақ) билим эгаси – Ахура Мазда деб улуғлайди. Тош асри, ҳатто Бронза асри одами ҳам ўз-ўзидан Коинотни ҳис қилган, Коинот сирини ўша даврда англаб ета олган деб ўйлашга ақл бовар қилмайди. Зардушт «гоҳ»лари эса коинотдан, чексиз борлиқ ва унинг моҳиятидан сўзлайди, бир сўз билан айтганда, «ғайб сири»дан огоҳ этади.

Агар Зардушт инсоният тарихидаги минглаб пайғамбарларнинг биринчиларидан бўлган бўлса, унинг тақдири ҳам ўша қадим даврларда ўтган ўзга набилар ҳаёти сингари мураккаб ва машаққатли бўлди. Уни турли элатлар, ҳатто ўз қавми ҳам вақти келганда тушунмади, даъватларини тўғри қабул қилмади. «Гоҳ»ларда бундай зиддиятли ҳолатларга ишоралар жуда кўп. Зардуштдан кейинги асрларда эса унинг таълимоти ёйилган юртларда маҳаллий элатлар, қабила ва уруғлар орасида тарқалган асотир тасаввур асосидаги мушриклик унсурлари, ҳар бир элатга хос ибтидоий маъбудаларга топиниш хурофий анъаналари аста-секин Маздаясна эътиқоди билан мурасага келтирилди. Натижада соф якка худолик тизими қобиғига қадим хурофий маросим ва удумлар ҳам жойлаша борган. «Авесто» китобининг такомил йўли ушбу жараёни бутун ички мукаккаблигида акс эттирувчи зиддиятли ва кўп қатламли асотир тасаввурлар ва ягона тангрига эътиқоднинг қоришиқ ифодаси сифатида намоён бўлади. Бу ҳақда илмий адабиётда таниқли мутахассис олимлар ҳам фикрларини баён қилишган.

«Авесто» китобида ўз аксини топган ғояларни дуалистик талқин қилиш ҳам фанда кенг тарқалган. Бунга маълум даражада «Ясна» китобининг 30-бобидан ўрин олган фанда «ахлоқий дуализм» деб номланувчи инсонлар оламига хос Яхшилик ва Ёмонлик орасидаги кураш тасвири ҳам сабаб бўлган, дейиш мумкин. Кейинчалик, милодий III-асрда яшаган Моний зардуштийликни ушбу руҳдаги талқинига урғу бериб, ўзининг машҳур монавийлик бидъатини яратди. Унга кўра бу олам икки асоснинг, икки ибтидонинг, яъни ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик орасидаги тўхтовсиз курашдан иборатдир. Моний Ахурамазда(Хурмуз)ни ёруғлик ва яхшилик илоҳи, Анхрамайну(Ахриман)ни зулмат ва ёмонлик илоҳи деб талқин қилади ва улар ўртасидаги кураш абадий давом этади, деб ҳисоблайди. Авестонинг баъзи жойларини илоҳий учлик руҳида талқин қилишлар ҳам учраб туради.

Искандардан кейин Туронзамин халқлари маданияти эллинизм унсурлари (юнон маданияти билан Шарқ маданиятининг синтези), буддизм, христианлик (кўпроқ, насронийлик қиёфасида), Ҳиндистон ва Хитойдаги бошқа турли эътиқодлар билан танишди. Маздаясна эътиқоди билан баъзи бошқа қарашлар таъсири остида милодий аср бошларида монавийлик таълимоти юзага келди ва минтақада кенг шухрат қозонди. Сосонийлар даврига келиб зардуштийлик яна янгидан буюк бир империянинг дини сифатида ҳукм сурди, янги муҳитда ривожланди, баъзи жиҳатлари янгиланди. Ҳақиқатни тан олиш керак, бизнинг бугунги қўлимиздаги маълумотлар Сосонийлар даври ёзма ёдгорликлари орқали етиб келгандир.

Бу даврда «Авесто»нинг барча сақланиб қолган қисмлари ўрта форс (ёки пахлавий) тилига таржима қилинди, илмий, диний ва бадиий адабиётда «Авесто» матнлари кенг истифода этилди.

Шундай қилиб, Одам атодан бошлаб минглаб пайғамбарлар инсонлар онгини тавҳидий тафаккур нури билан ёритишга уринган бўлишларига қарамай, барибир Қадим дунёнинг аксарият одамлари онгида ибтидоий жамоа давридан шакллана бошлаган асотир тафаккур ҳукмрон бўлиб қолаберди. Бунинг сабабларидан бири, бизнинг назаримизда, тақлидий имоннинг таҳлилий имондан устунлигида бўлса керак. Таҳлилий имон ривожини учун мантикий тафаккур шаклланиши керак. Айни шу жараён қадим Юнонистонда милоддан илгариги VI-III асрлардан авж ола бошлади.

Қадим дунёдаги тавҳидий тафаккур тарихи асосан илоҳий ваҳий асосидаги Таврот китобида ўз аксини топган бўлиб, бу китоб тахминан милодий эрадан илгариги XIV асрда Мусо (а.с.)га нозил бўлган. Унда Одам ато ва Момо Ҳаво тақдири, Шис (а.с.), Нух (а.с.), қадим Шумер ва Аккад подшоҳлиги даврида яшаган Иброҳим (а.с.) ва унинг авлодлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар деярли уч аср давомида Европанинг даҳрий файласуфлари томонидан “афсонавий хурофотлар” аталиб, рад қилиб келинди, фақат қадимшуносларнинг XIX аср охири – XX аср бошларидаги илмий кашфиётлари туфайли ўз тасдиғини топа бошлади. Узоқ вақт фақат санокли кишилар томонидан тан олиб келинган Тавҳид ғояси Мусо (а.с.)дан бошлаб, бутун бир қавм – яҳудийлар томонидан қабул қилинди. Аммо ҳануз бу қавм қарашларида ҳам янглишувлар кўп эди.

Қадим дунёда асотир тафаккур қобиғида бўлса ҳам инсоният билимлари жамланиб, кундан-кунга юксалиб борар эди. **Ахлоқий қарашлар** бу даврларда кўпроқ **асотир хурофотлари таркибида** бўлиб, улардан баъзиларини «Авесто» мисолида юқорида кўриб ўтдик. Милоддан аввалги II мингйиллик ўрталаридан бошлаб Ҳиндустонда кенг ёйилган «**Ведалар**» **маданияти** доирасида, ёки **Хитойда** қадимдан маълум бўлган “**Ши цзин**” (Қадим кўшиқлар китоби), “**Шу цзин**” (Тарихий ривоятлар), “**И цзин**” (Ўзгаришлар китоби) каби асарлар қатида яширинган **ахлоқий тизимлар** ҳақида алоҳида ва батафсил ёзиш мумкин.

Шундай қилиб, **тош даврида ибтидоий жамоа** шаклланиб, инсон илк бор атроф-муҳитдан ўзини ажратишни ўрганди, **бронза даврида** асотир тафаккур асосида **илк шаҳарлар маданияти** вужудга келди, сўнг **темир асри** бошланиб, жаҳоннинг турли минтақаларида **улкан салтанатлар (империялар)** пайдо бўлди. Инсон тафаккурининг дастлабки ривожини **ташбех** (ўхшатиш) ва **мажоз** (метафора) заминида **асотир ва хурофотлар** шаклида бошланган бўлса, кейинроқ илоҳий ваҳий ва пайғамбарлар даъвати таъсирида қабилачилик хурофотларини енгиб ўтиш – тавҳидий тафаккур сари илк қадамлар – иккиланиш, тойишлар билан оғушта тетапоя қадамлар қўйила бошланди. «Авесто» китобида акс этган воқелик яхлит олганда шу жараёни акс эттиради. Бу даврнинг энг буюк **маънавий ютуғи** илк бор, гарчи асотир тафаккур билан қоришиқ бир даражада бўлса ҳам боболаримиз руҳида **илм ва имон уйғунлиги** шакллана бошлагани, дейиш мумкин. Агар

«Маздаясна», «Ахурамазда» сўзларида яширинган маъноларни Қуръони карим «Бақара» сурасининг 255-ояти («Оят ал-курси») мазмуни билан маълум даражада мувофиқ келишига эътибор қиладиган бўлсак, ўша пайтда ҳам инсоний билимлар манбаи ёлғиз илоҳий боқий билим деб тасаввур қилинганини сезамиз. Аммо у даврлар одамининг аксарияти асотир тафаккур даражасида дунёни тасаввур қилганликлари сабабидан, Зардушт «гоҳ»лари (муножотлари)даги тавҳид ғоялари мушриклик адашувлари билан қоришиб кетган эди.

Маълумки, умумбашарий маданият ва умумбашарий илм жаҳон тарихида узоқ даврлар нисбий тушунча бўлган ва фақат охирги юзйилликда ҳақиқий воқеликка айланиб бормоқда. Қадим дунё ва Ўрта Асрларда ўзаро фақат муайян муносабатларга эга бўлган турли минтақа маданиятлари мавжуд бўлиб, турли илмлар ҳам ушбу алоҳида минтақалар ҳудудида деярли мустақил равишда шаклланиб борган. Масалан, Жанубий Осиё (ҳозирги Ҳиндистон, Шри Ланка, Бутан, Непал, Бангладеш ва ҳк.) минтақа маданияти, Узоқ Шарқ (Хитой, Корея, Япония, Вьетнам, Лаос ва ҳк.) минтақа маданияти, Яқин ва Ўрта Шарқ (Араб мамлакатлари, Туркия, Эрон, Афғонистон ва ҳк.) минтақа маданияти, Европа минтақа маданияти (охирги бирнеча асрда амалан Шимолий Америка давлатлари ҳам шу доирага киради), Марказий ва Жанубий Африка минтақа маданияти, Марказий ва Жанубий Америка минтақа маданияти, Австралия ва Океания минтақа маданияти, Сибир халқлари минтақа маданияти ва бошқалар ҳақида гапириш мумкин. Биз мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ва ўз мавзу доирамизни ўта кенгайтирмаслик учун фақат Европа ахлоқшунослик илмининг тарихий ривожига ҳақида батафсилроқ, Ҳиндистон ва Хитойдаги ахлоқ илми ҳақида қисқача гапириб ўтамиз.

Буддавийлик аслида ахлоқий таълимот сифатида шаклланган бўлиб, қадим Ҳиндистонда милoddан аввалги VI асрда яшаб ўтган шахзода Сиддхартга Гаутама асос солган бу таълимотнинг моҳияти азоб-уқубат (страдание) ва ундан қутулиш йўллари ҳақидадир. Ҳукмдор отасининг саройида яйраб-яшнаб ўсган йигитча бир куни умри азоб-уқубатда қолган касалванд кексани учратади ва у билан суҳбатда инсон ҳаёти азоб-уқубатлардан иборат эканлигини эшитади. Кейингиси куни ўлган одамнинг лошига дуч келади ва барча инсонлар ҳаёти ўлим билан тугашини англаб етади. Кейин таркидунё қилган тақводор билан тўкнаш келгач, ўзи ҳам зоҳидликни ихтиёр этиб, инсонларни азоб-уқубатлар олаmidан қандай қутқариш йўллариini излашга киришади. Қадим ҳиндларнинг эътиқод тизимига кўра инсонлар турли варналарга (туғма тоифаларга) бўлинадилар. Улар асосан 4та бўлиб – браҳманлар, кшатрийлар, вайшийлар ва шудралардан иборат. Энг олий тоифа бўлган браҳманлар туғилишдан зиёлилар тоифасига мансуб ҳисобланиб, фақат илм ва ибодат билан шуғулланишлари жоиздир. Улар кшатрийларга ҳам устозлик мақомида бўлиб, бу иккинчи тоифа ҳарбий иш ва давлат бошқаруви билан банд бўлишлари назарда тутилади. Учинчи тоифа, яъни вайшийлар, асосан қишлоқ хўжалиги ишларини олиб боровчи деҳқонлар бўлиб, улар хоҳ бой

бўлсин, ва хоҳ камбағал, олдинги икки тоифага қарам ва уларнинг боқувчисидирлар. Шудралар, энг паст тоифа саналиб, бутун қора ишлар шуларнинг зиммасида бўлади ва улардан ҳамма жирканади. Ҳиндавийлик эътиқодига биноан инсон ўлгач, унинг руҳи бошқа бир инсон ёки ҳайвонга ўтади (қайта туғилиш – таносух назарияси). Бунда унинг кейинги туғилишида ким бўлиб дунёга келиши унинг аввалги ҳаёти давомида қандай маънавий- ахлоқий қиёфага эга бўлганлиги билан белгиланади – ҳаётини эзгу ишларга бағишлаган бўлса, юқори тоифада, агар бемаъни ҳаёт кечирган бўлса, қуйи тоифа вакили сифатида қайта дунёга келади. Бундай эврилишлар охири бориб, агар инсон разолатга ботиб бораверса, унинг бирор-бир ҳайвон қиёфасида қайта туғилишига олиб келади. Буддавийлар бундай сарсонликни (санскрит тилида *“сансара”*) чексиз азоб деб биладилар ва ундан қутулиш йўлини қидирадилар. Бунинг учун биринчи навбатда ёмонликка ёмонлик билан жавоб беришдан сақланиш, турли хил ўткинчи ҳою-ҳаваслардан воз кечиш, бирор жонзотга билиб-билмай озор етказишга йўл қўймаслик керак. Бировнинг ҳаққига кўз олайтирмаслик, фахшдан узоқ юриш, ёлғончилик, ғийбат, тўхмат, бировнинг устидан кулиш каби иллатларга яқин йўламаслик ҳам инсон руҳини тубанлашувдан сақлайди. Раҳмдиллик, саҳоват, ҳақиқатгўйлик, ораси бузилганларни мурсага келтириш, ҳар нарсада меёрни сақлаш, илоҳий китобларга имон келтириш каби ижобий сифатлар ҳам инсонни охир натижада дунё азобларидан қутулиб **олий сокинлик** (*“нирвана”*)га чўмишига олиб келади. Илк даврда буддавийликда махсус ибодат маросимлари бўлмаган, аммо кейинчалик ибодатхоналар қурилиб, буддавийлик ахлоқий таълимотдан жаҳонда кенг тарқалган диний эътиқод тизимига айланиб кетди. Бу дин ҳозирги кунда Ҳиндистондан кўра Хитой, Корея, Япония сингари Узоқ Шарқ мамлакатларида кенгрок тарқалган.

Бу минтақада кенг тарқалган иккинчи бир ахлоқий таълимотнинг асосчиси **устоз Кун** (Кун Фу-цзи, латинлашган талаффузда Конфуций) бўлиб, бу қадим Шарқ донишманди миллатдан аввалги VI аср иккинчи ярми – V аср бошларида Хитойдаги кичик бир хонликда ҳаёт кечирган. У камбағаллашган зодагон оиласида туғилиб ўсган ва асосан муаллимлик билан шуғулланган. Унинг шогирдлари сони 3 мингдан ошиқ бўлган. У кексайган чоғида ўз юртини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди ва 13 йил Хитойдаги турли хонликларда ўз ғояларини тарғиб қилиб юриб, умрининг охирида яна юртига қайтиб келди. Устоз Кун қадим Хитой маданий меросини асраб-авайлаш ва авлодларга мукаммал етказишни ўз ҳаёт мақсади деб билар эди ва бутун умр қадим ёзма манбаларни таҳрир қилиш ва шарҳлаш билан шуғулланди. Устоз Куннинг қарашлари “Мулоҳазалар ва суҳбатлар” (*“Лунь Юй”*) тўпламида ўз ифодасини топган. Унинг таълимоти хитойчада *“жу”* ёки *“жу сюэ”*¹⁷ (“зиёли уламолар мактаби”) деб номланади, чунки қадим донишмандлар маънавий меросининг хазинабонлари бўлмиш ёзма ёдгорликларни кўчириш, шарҳлаш ва тарғибот қилиш билан шуғулланувчи зиёли-уламолар ўша давр тилида *“жу”* аталган. Устоз Кун

¹⁷ Бу сўздаги *“ж”* ҳарфи русча “журнал” сўзидаги каби ўқилади.

таълимотининг марказида **“жэнь”** (одамийлик, инсонга меҳр) тимсол-тушунчаси ётади. Донишманд инсонлар жамиятини улкан оилага қиёс қилади. Унда ҳукмдор – ота, фуқаролар - фарзандлар кабидир. Ушбу жамият биринчи навбатда қонунларга эмас, ахлоқий меёрларга таяниши керак. Бундай жамиятда каттага ҳурмат, кичикка шафқат, мавжуд оилавий ва ижтимоий анъаналарга қатъий риоя қилиш, аجدодлар ўғитини муқаддас билиш, яхшиликка яхшилик билан, ёмонликка адолат билан жавоб қилиш, ўзингга раво кўрмаганни бировга ҳам раво кўрмаслик асосий ахлоқий меёрлар ҳисобланган. Инсонларнинг унвон ва лавозимлари уларнинг маънавий-ахлоқий даражасига муносиб бўлиши лозим. Устоз Кун қадим анъанага эргашиб, тақдирни олий осмоний қудрат қўлида деб билган. Аммо ўзлигини англаб етган инсон илоҳий қудрат белгилаб берган ҳаёт йўлига мувофиқ яшайди ва айни шундай юксак маънавият ва ахлоқ эгалари жамиятда ҳам олий ижтимоий мавқеъга сазовордирлар. Фақат ўткинчи моддий манфаатлар қули бўлган “майда” инсонлар эса жамиятда ҳам ўз ҳолларига яраша хизмат вазифаларини бажаришга маҳкумдирлар. Устоз Куннинг қарашлари асосида шаклланган ижтимоий-ахлоқий тизим Хитойда минг йиллар давомида ҳукмрон бўлди ва бу ҳолат аста-секин унинг шахсини муқаддаслаштирилишига сабаб бўлди.

Хулоса:

Қуръони каримнинг “Нур” сураси 35-оятда *«Аллоҳ осмонлар ва ернинг «нури»дир»*, деб ҳидоят этилган. Кимнинг дил кўзгуси ушбу нур ила мунаввар этилган бўлса, ўша инсон маънавиятлидир. Бир содда моддиюнчи “Маънавият инсон қалбида акс этган илоҳий нурдир” деган таърифни маҳкам ушлаб “маънавият - нур” бўладиган бўлса, “нур” моддий нарсаси, демак, маънавият ҳам моддий экан, деб туриб олса нима бўлади? Инсон тили ва тафаккурининг ожизлиги шундай ўринларда билинади. Ахир, илоҳий китобнинг юқорида келтирилган жумлалари Аллоҳ ҳақиқатига ишора, рамз-ку!

“Нур” бу ўринда илмий атама эмас, рамзий тимсол. Аллоҳ ҳақиқати беҳудуд, инсон онги ва тасаввурлари эса чекли. Шу сабабли, Тавҳид ҳақиқатига фақат ишора қилиш мумкин, таъриф бериб бўлмайди. Инсон илми чекловчи илмдир. Ҳақ илми - чегарасиз. Шундай экан, биз ўз мулоҳазаларимизда фақат баъзи нисбатлар, рамз ва ишоралар билан чекланишимизга тўғри келади.

Маънавият инсон кўнглида Ҳақ нурининг акси этишидир. Шу сабабли маънавият Борлиқ янглиғ бепоён. Инсон ақли бу бепоёнликни қамраб ола биладими? Даҳриёна тафаккурнинг энг ожиз томони шуки, инсон ақлининг ноқислиги аниқ-равшан бўла туриб, такаббурликка берилади, “дунёга ёлғиз ўзим хўжайинман” демоқчи бўлади. Биз инсонларнинг даҳрийлигимиз ҳам, бутпарастлигимиз ҳам ақлимизнинг ноқислиги, тахайюлимизнинг ожизлигидандир.

Юқорида бошланиши эсга олинган оят хулосасида *“Аллоҳ ўзининг (бу) нурига ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур”* деб иноят этилган. Инсон зотининг барча хатти-ҳаракати эса тадбир холос. Тадбир амалга оширилади, аммо мақсад қўлга кирадими, йўқми, инсон олдиндан башорат эта олмайди. Алишер Навоийнинг буюк “Хамса”си ибрат ва ишоратлар қомусидир. Унинг биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр” нинг биринчи боби (“совет” даврида бу боб кўпчилик нашрларда тушириб қолдирилган) “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” илоҳий калимасининг мажозий шарҳига бағишланган. Унда бу табаррук калиманинг ҳар бир ҳарфига икки қарра бадий шарҳ берилган. Нега икки қарра? Чунки биринчи шарҳ - “аҳли қабул” учун, иккинчиси “аҳли рад” учун.

*“Қилгувчи бу бодия қатъига майл,
Аҳли қабулу рад эрур икки хайл”¹⁸.*

Инсон учун имтиҳон майдони бўлмиш бу дунё ҳаётига қадам қўйган ҳар бир шахс ўзига икки йўлдан бирини танлайди - инсоф ва диёнат, сабр ва ризолик, ҳалоллик ва меҳр йўлини ёки норизолик ва бадбинлик, хиёнат ва худбинлик, ҳаром ва қаҳр йўлини. Бири - адолат ва нурга, иккинчиси - залолат ва зулматга бошлайди. Ҳар биримизнинг тилагимиз саодатманд тақдир эрур. Аммо зулму зулмат сари қадам босиб, келажакдан яна нуру ёғду

¹⁸ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7-жилд. Т., 1991, с. 12.

умид этсак, ўзимиз ҳаётда хиёнат ва каззобликни шиор қилиб, Аллоҳдан раҳмату шафоат кутсак, адолатга шак келтирган бўламиз.

Инсон ўз тақдирини олдиндан билмайди. Шундай экан, ким “аҳли қабул” бўлса, ўзгаларга меҳру савобни раво кўрса, ҳаётга яхшилик умиди билан қараса, эл-юрт олдида, инсонлар олдида, Ҳақ олдида ўзини масъул билиб, шунга мувофиқ фаолият кўрсатса, унинг тақдири ҳам хайрли тадбирига мувофиқ бўлиб чиқса, не ажаб.

Агар ким ҳаётдан, ўзгалардан доим норизо бўлса, дилини худбинлик чирки қоплаб, бировга яхшилик раво кўришга оғриниб турса, ўзбекнинг аччиқ маталига биноан “келтир менга, йўқдир сенга” шиорини байроқ қилиб, фақат ўз нафсини кўзласа, инсоф ва диёнатни ёлғон ва хиёнатга тамом алмаштириб олган бўлса, унинг барча тадбирлари охири бориб пуч бўлиб чиқса, ишонганлари саробга айланса, қилмишига яраша бўлади.

Гуноҳ устига гуноҳ, хиёнат устига хиёнат, ёвузлик устига ёвузликни кимки қалаштириб ташлаётган бўлса-ю, ишлари кундан-кунга “ривож олиб”, омади “олға босиб” кетаётгандек кўринса, ундай зулмат бандаси қутулиб кетдим деб хомтама бўлмасинки, у ҳам албатта, бир куни қилмишларига жавоб беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. Т., 2000.
2. Имом Бухорий. Жомеъ ас-саҳиҳ. 1-4 жилдлар. Т., 1990-1995.
3. Ўзбекистон Конституцияси. Т., 2003.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура 1-жилд. Т., 1996.
5. Каримов И.А. Асарлар 12 жилд.Т., 1996-2005.
6. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т., 1994.
7. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., 1998.
8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг Қўшма мажлисидаги маъруза). Т., 2005.
9. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилд. Т., 1997-2003.
10. Комил маънавият мустақиллик таянчи. Т., 1997.
11. Маънавият – масъулик. Т., 1997.
12. Маънавиятнинг ойдин йўли. Т., 1997.
13. Маънавият юлдузлари. Т., 1999.
14. Маънавият ва комиллик. Т., 1997.
15. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. Т., 2006.
16. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т., 1996.
17. Комилов Н. Тасаввуф. 1-2 китоб., Т. 1996-1999.
18. Комилов Н. Комил инсон ҳақида 4 рисола, Т., 1997.
19. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. Т., 1998.
20. Ғазолий. Ихёу улум ид-дин. Илм китоби. Т., 2003.
21. Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т., 2002.
22. Мэри Бойс. Зороастрийцы М., 1988.
23. Авесто. Т., 2001.
24. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т., 1997.
25. Бехбудий. Танланган асарлар. Т., 1999.
26. Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд., Т., 2000.
27. Ғафуров Ғ. Шарқ жавоҳирлари. Т., 2000.
28. Навоий замондошлар хотирасида. Т., 1985.
29. Ризаев Ш. Жадид драмаси. Т., 1997.
30. Ризаев Ш. Саҳна маънавияти. Т., 2000.
31. Саидов У. Европа Маърифатчилиги ва Миллий Уйғониш – Т., 2004.
32. Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. Т., 1993.
33. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. М., 1989.
34. Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойик. Т., 1995.
35. Иброхимов А, Султонов Ҳ, Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т., 1996.
36. Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2000.
37. Турон Усмон. Туркий халқлар мафкураси. Т., 1995.
38. Абилов Ў. Миллий ғоя. Маънавий омиллар. Т., 1999.

- 39.Ал-Фараби. Философение трактаты. Алма Ата, 1972.
- 40.Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., 1998.
- 41.Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Т., 1999.
- 42.Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. М., 1978.
- 43.Голосовкер Я.Э. Теория мифа. М., 1987.
- 44.Большаков О.Г. История халифата. 1-3 части. М., 1989-1998.
- 45.Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи.Т., 1992.
- 46.Караматов Ҳ. Хўрланган пайғамбарлар ғалабаси. Т., 1998.
- 47.Усманов М.А. Основные этапы эволюции ислама. М., 1978.
- 48.Библийская энциклопедия, М., 1990.
- 49.Петрушевский И.П. Ислам в Иране. Л., 1966.
- 50.Ульрих Рудольф, Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. Алматы, 1999.
- 51.Крамер С.Н.История начинается в Шумере. М., 1991.
- 52.Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. Л., 1977.
- 53.Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонуннинг янги таҳрири. Т., 1998.
- 54.Ҳусниддинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, ақидалар, Т., 2000.
- 55.Мунавваров З ва бошқалар. Дунёвий давлат ва дин. Т., 1998.
- 56.Ислом: бағрикенглик ва мутассиблик. Т., 1998.
- 57.Бобомуродов А. Ислом одоби ва маданияти. Т., 1995.
- 58.Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Т., 1996.
- 59.Гете. Западно-восточный диван.М., 1988.
- 60.Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т., 1994.
- 61.Монтгомери Уотт. Влияние Ислама на Средневековую Европу. М., 1976.
- 62.Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Т., 1998.
- 63.Саттор М. Ўзбек удумлари. Т., 1993.
- 64.Хайруллаев М. Мировоззрение Фараби и его значение в истории философии. Т., 1967.
- 65.Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари, Т., 1980.
- 66.Гусейнов А.А, Апресян.Р.Г Этика. М., 1998.
- 67.Поппер К. Открытое общество и его враги. М., 1992.
- 68.Гегель Ф. Наука логики. В 3х т.т. М., 1970.
- 69.Қаюмов А. Қадимият обидалари.Т., 1972.
- 70.Қамар А. Маънавият назарияси ва тарихи. Т., 2002.
- 71.Болиев А. Раҳбар маънавияти. Т., 2002.
- 72.Баҳоваддин Балогардон. Т., 1993.
- 73.Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. Т., 2001.
- 74.Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. Т., 2001.
- 75.Содиқова Т. Меҳр колур. Т., 1997.
- 76.Шайхова Х. Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. Т., 1992.